

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING
АЖРИМИ
№ 1-1408-2501/16

2025 йил октябрь ойининг 30 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси З.Ибрагимов, ҳайъат судьялари З.Тўраев ва О.Набиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Р.Ахмедовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Б.Султонов, судланган Ф.Асатовнинг ҳимоячиси-адвокат Н.Аслиевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг 2025 йил 17 мартдаги судланган

Асатов Фахриддин Нуриддинович (Asatov Faxriddin Nuriddinovich), 1981 йил 1 январда Қўшработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Қўшработ туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимида ҳисобчи, Қўшработ тумани “Навкат” маҳалласи, “Муллоолим” қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукми ҳамда ҳукмни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 21 апрелдаги ажрими устидан судланган Ф.Асатовнинг тафтиш тартибидаги шикоятига асосан жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ф.Асатовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖК 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга таълим тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 21 апрелдаги ажрими билан, биринчи инстанция суди ҳукмининг Ф.Асатовга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.



Суднинг мазкур ҳукми билан З.Саъдуллаев, Н.Хўрозбоев ва Ғ.Исроилов ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.Асатов 2017 йилдан Қўшработ туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг умумий ўрта таълим мактаблари ходимлари билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, бир вақтнинг ўзида ўзига бириктирилган мактабларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўланишини таъминлаш, иш ҳақини штат жадвали ва тарификация рўйхати асосида ҳисоблаш, мактаблар томонидан тақдим қилинаётган иш ҳақи ҳисоблаш учун асос бўладиган ҳужжат ва иловаларини тўлиқлиги ҳамда тасдиқланганлигини назорат қилиб талаб даражасида қабул қилиш, мукофот ва устама ҳақларини тўланишида ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ва асос мавжуд бўлган ҳолларда тўланишини таъминлаш, нақд пуллар бўйича касса ҳисоботини кассирлик вазифасига юклатилган ходимдан ўз вақтида ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилган ҳолатда қабул қилиб олиш, иш ҳақи маълумотларига ўзгартиришлар киритмасдан тўғри юритиш каби вазифалар юклатилган бўлсада, у жавобгарлигида бўлган мукофот пулларини тўғри ҳаражатта чиқармасдан мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида, ўқитувчилар ёзги йиллик меҳнат таътилидан қайтганидан кейин уларга ўқув йили бошлангунга қадар дафтарларни ва ёзма ишларини текширганлик ҳамда информатика кабинети мудирлиги учун кўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилмаслиги белгиланган бўлишига қарамасдан мазкур қарор талабларини кўпол равишда бузиб, 2024 йилнинг август ойида ўзига бириктирилган мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 31 нафар ўқитувчиларига 4.027.198 сўм, 4-умумий ўрта таълим мактабининг 12 нафар ўқитувчиларига 803.362 сўм, 21-умумий ўрта таълим мактабининг 14 нафар ўқитувчиларига 1.319.960 сўм, 22-умумий ўрта таълим мактабининг 8 нафар ўқитувчиларига 746.871 сўм, 24-умумий ўрта таълим мактабининг 16 нафар ўқитувчиларига 2.013.433 сўм, 34-умумий ўрта таълим мактабининг 27 нафар ўқитувчиларига 4.041.923 сўм, 58-умумий ўрта таълим мактабининг 7 нафар ўқитувчиларига 957.451 сўм, 59-умумий ўрта таълим мактабининг 7 нафар ўқитувчиларига 716.637 сўм, 63-умумий ўрта таълим мактабининг 12 нафар ўқитувчиларига 1.001.558 сўм, 76-умумий ўрта таълим мактабининг 9 нафар ўқитувчиларига 1.167.443 сўм ва 77-умумий ўрта таълим мактабининг 28 нафар ўқитувчиларига 4.710.866 сўм иш ҳақи ҳисоблашда асоссиз равишда “UzAsbo” дастурига ёлғон ахборотни киритиб юқоридаги барча ҳолатларда жами 21.506.702 сўм бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилган.

Судланган Ф.Асатов тафтиш шикоятда, етказилган моддий зарарни копланганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишдан пушаймонлигини, ўзини яхши тушунмаганлигини инobatга олиб, уни жазодан озод қилишни



сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси О.Набиевнинг маърузасини, прокурор Б.Султонов тафтиш шикоятини қаноатлантирмасдан, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, судланган Ф.Асатовнинг ҳимоячиси-адвокат Н.Аслиевнинг тафтиш шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни қаноатлантирмасдан, суд қарорларининг Ф.Асатовга оид қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган Ф.Асатовнинг айби, ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрстувидан ташқари, гувоҳлар А.Махмудов, М.Назаров, С.Чилмирзаев, Ў.Бўриев, Д.Бойназаров, А.Улашев, Ж.Ҳайитов, Э.Умирзоқова, И.Абдуразаков, А.Михлиев ва Н.Нурмановнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, оралиқ маълумотнома ва унга илова қилинган тушунтириш хатлари, мактабнинг касса дафтари, ўрганиш хулосаси, далолатномаси ва текшириш жадваллари, сўроқ қилиш баённомалари каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида қайд этилган бўлиб, ишни дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция ҳамда апелляция инстанцияси судида кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилинган ҳолда тўпланган далилларга баҳо берилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, қонуний тўхтамга келинган.

Биринчи инстанция суди томонидан Ф.Асатовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, етказилган моддий зарарни қопланганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишдан пушаймонлигини, қонунни яхши тушунмаганлигини инобатга олиб, уни жазодан озод қилиш ҳақидаги важлар билан ҳам келишиб бўлмайдиган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда



назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд Ф.Асатовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, юқоридаги қонун талаблари ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя этган ҳолда, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарар қопланганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум этган ҳолда, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Бундан ташқари, жиноят иши ҳужжатларида, судланган Ф.Асатовни жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд эмас.

ЖПКнинг 521⁴-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси биринчи инстанция ва апелляция инстанция судининг ҳукми, ажримни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга ҳақлидир.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, шикоятда келтирилган важлар суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли суд қарорларининг Ф.Асатовга оид қисмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Кўшработ туман судининг 2025 йил 17 мартдаги ҳукмининг ҳамда Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 21 апрелдаги



ажримининг судланган **Асатов Фахриддин Нуриддинович** (Asatov Faxriddin Nuriddinovich)га оид қисми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

З.Ибрагимов

Ҳайъат судьялари

З.Тўраев

О.Набиев

